

ЎҚУВЧИЛАРДА ЎЗБЕК МЕНТАЛИТЕТИГА ХОС МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА БАДИИЙ АСАРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Усмонова Муаттар Баходиржоновна

University of businessend science nodavlat oliy ta'lim muassasasi

Pedagogika va psixologiya kafedrasi v.b dotsenti(PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада миллий характер, ўзбек менталитетига хос маънавий-ахлоқий хусусиятларни шакиллантиришда бадиий асарларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: ахлоқ, оммавий маданият, кадрият, миллий характер, ўспирин, маънавий ахлоқий қиёфа.

Аннотация: В статье рассматривается значение художественных произведений в формировании черт национального характера.

Ключевые слова: Мораль, народная культура, достоинство, национальный характер юность, духовно-нравственный облик

Annotation: This article discusses the importance of works of art in the formation of national character traits.

Keywords: Morality, popular culture, dignity, national character, adolescence, spiritual and moral appearance.

Жаҳонда тарихий фактларнинг далолат беришича, миллий характер туғма хусусият сифатида ёки халқ томонидан қўлга киритилган узок одат натижаси сифатида эътироф этилади. Миллий характер инсон туғилгандан бошлаб, ўз она тилини ўзлаштириб, миллий мухитда вояга етиб, миллий-маънавий кадриятлар қуршовида ўсиши асосида шаклланади ва ижтимоий ҳаётга мослашишини тақозо этади. Бадиий адабиётлар воситасида шахснинг маънавий камолоти, одоби, бурч ва масъулият туйғуси, билими, инсоф, иймон, виждон каби маънавий фазилятлар асосида миллий характер хусусиятлари шаклланади. Хусусан, миллий характернинг шаклланишига ёрдам берувчи бадиий адабиётларнинг ижтимоий-тарбиявий жихатлари катта амалий аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида ҳар бир шахс яшаб турган мухит таъсирида тарбияланади ва унинг тарбиявий сифатлари ҳам яшаш мухити билан белгиланади. Миллатлар ўртасида миллий характернинг асосини ташкил қилувчи аждодларнинг бой меросини ёшларнинг онгу-шуурига сингдириш, уларни юксак маънавий фазилятларга эга инсонлар қилиб тарбиялаш ва шу асосида шахсни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Барча мамлакатларда аждодларнинг маънавий меросига таяниб миллий характер хусусиятларининг шаклланиши, ривожланиши, миллий характерда ибратга муносабат амалий фаолият ва авлод тарбиясида унга таяниш муҳим ўрин эгаллайди.

Республикамизда ибрат-намуна йули билан шахс миллий характерини шакллантириш масаласи бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Ибрат намуна, ёки ўрнак кўрсатиш бирор воқеа, ҳаракат воситасида амалга оширилади. Ушбу

жараёнлар бадий асарларда ифодаланеди. Миллий характер хусусиятлар бадий асарлар орқали ўз маънавий таъсир кучини ифодаляди. Бу борада Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида “ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш” (тўртинчи ташаббус) учинчи ренессанснинг юзага келиши ҳамда мустақил давлатнинг жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан интеграцияга эришувини таъминляди. Шахсда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш тўғрисида сўз юритишдан аввал “миллийлик”, “миллий характер” тушунчаларининг моҳияти очиб бериш мақсадга мувофикдир.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “миллий” тушунчаси “бирор халқнинг, миллатнинг ўзига хос бўлган, унинг хусусиятларини ифодаловчи ҳолат дея таърифланган бўлса, бошқа бир манбада айнан “миллийлик” тушунчасининг моҳияти очиб берилади. Яъни, “миллийлик – тарихан ташкил топган барқарор ижтимоий-этник бирликларни, яъни, миллатлар ва элатларни бошқа барқарор ижтимоий бирликлардан, масалан, ижтимоий синфлардан фарқловчи томонлар, хусусиятлар, маънавий, рухий ва маданий қирралар ҳамда тафовутлар мажмуи[1,28]

Миллийлик маълум халқ ёки миллатнинг турмуш тарзи, ҳаётий интилишлари, орзу-умидлари, ижтимоий муносабатлари, шунингдек, у яшайдиган ҳудуд хусусиятлари негизида қарор топади ва ўзига хослик касб этади. “Миллийлик тушунчаси ижтимоий-сиёсий жиҳатдан таҳлил қилинганда, жамиятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти мобайнида маълум бир миллат, элатнинг тили, жойлашган ҳудуди, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, психологик ҳолати ва дунёқараш тузилмасини ўзида акс эттирган мураккаб воқелик сифатида намоён бўлади. Ўзликни англаш тўғрисидаги ёндашувларни ривожланиши эса узок ўтмишга бориб тақалади. Масалан, бу атама илк бор милоддан аввалги IX асрда қадимги ҳинд эпосларида ишлатилгани тўғрисида илмий далиллар мавжуд

Турли жамиятларнинг турли миллат, элатлардан иборатлиги инобатга олинса, айнан миллийлик ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида акс этади: “жамиятдаги барқарорлик, тинчлик ва кишиларнинг бунёдкорлик фаолияти кўп жиҳатдан миллатлар ҳамда элатларнинг ўзаро муносабатлари қанчалик тўғри, одилона ҳал қилинганлигига боғлиқ

Айнан миллийлик хусусиятига кўра Ер шарида яшовчи кишиларнинг муайян миллат ёки элатларга мансублиги англанилади. Шу билан бирга миллийлик миллат ва элатларнинг мавжудлиги, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини белгилашда муҳим белги бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан сўнг унинг нуфузли ташкилот – БМТга аъзо бўлиб киришида ҳам унинг ҳудуд, тил ва пул бирлигига эгалиги каби миллий хусусиятлари инобатга олинган. БМТнинг илм-фан ва маданият ривожини таъминловчи ЮНЕСКО ташкилоти томонидан турли миллат, элатларнинг инсоният цивилизациясидаги ўрни ва роли бевосита унинг миллийлик хусусиятларига эгаликлари асосида ўрганилади. Бироқ, миллийлик кишилик тараққиёти тарихининг барча даврларида ҳам қадрланмаган. Бир миллат томонидан иккинчи миллатга нисбатан босқинчилик ва мустамлакачилик

ҳаракатлари олиб борилган даврларда устувор бўлган сиёсат миллийлик, миллий хусусиятларни эъзозлашни, уларга ҳурмат кўрсатишни эмас, аксинча, уни йўқотиш, барбод қилишни маъқуллаган.

Шу билан бирга “миллийлик” тушунчасини таърифлашга эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим. Чунки, “миллийликни миллатлар, элатларнинг фақат маълум хусусиятлари орқали тушунтиришга интилиш миллийликнинг баъзи нозик томонлари ва қирраларини инобатга олишга тўсқинлик қилиб, миллатлар ёки элатлар онгида норозиликлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Миллийлик масаласида тўғри фикр юритмоқ учун ҳар бир миллат, элатнинг тарихи, анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари, маданияти, бошқа миллатлар ва элатлар билан муносабатларини ўрганмоқ зарур.[2,69]

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “миллий характер” тушунчасини қуйидагича таърифлаш мумкин: миллий характер – муайян миллат ёки элатнинг ўзига хослигини ифодаловчи энг барқарор, турғун рухий, маънавий-ахлоқий хусусиятлар мажмуи бўлиб, унинг ривожланишида географик ҳудуд, ижтимоий фаолият, ижтимоий турмуш тарзи, маданий ривожланиш, шахслараро мулоқот, ўзга миллат (элат)ларга бўлган муносабатлар мазмуни, устувор ғоялари ва тамойиллари муҳим асос бўлади. Шахсда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш мураккаб, кўп босқичли, узок давом этувчи жараён бўлиб, унинг самарали кечиши ижтимоий тарбияни тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Миллий менталитетга хос характер хусусиятлари бевосита ижтимоий муҳитда, шахснинг субъектлар билан олиб борадиган фаол муносабати жараёнида шаклланади. Шунга кўра “мактабгача ёшдаёқ характернинг илк чизиқлари “чизилади”, хулқ-атворнинг борлиққа бўлган муносабатни белгилаб берадиган дастлабки образи намоён бўла бошлайди”, характернинг таракқийсида муҳитнинг роли кишининг болалик чоғларидан бошлабқоқ ниҳоятда катта эканлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Зеро, “характер хусусиятлари шахсни фаолиятга ундовчи омил сифатида майдонга чиқиши мумкин... Аксарият характер хусусиятлари шахснинг хатти-ҳаракатлари муваффақиятини белгиловчи туртки ва фаол майллар бўлиб ҳисобланади... Майлликлар негизида характер хусусиятларининг ундовчилик кучи вужудга келади ва унинг таъсири туфайли инсон табиий шароитда зид мақсадга номувофиқ ҳаракат усулларидан фойдаланади[3,133]

Шахсда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришда унда онгнинг ривожланганлигига эътибор қаратиш талаб қилинади. Чунки, айнан онгнинг ривожланганлик даражасига кўра шахс ўз характер хусусиятларини таҳлил қила олади, хатти-ҳаракатларини баҳолайди. “Индивидуал онг ўз-ўзини англаш, тарихий зарурият остида инсоннинг жамият ва бошқа кишилар билан муносабатлари жараёнида ўзини назорат этиш ва ўзини идора қилиш каби ҳаётий муҳим восита сифатида пайдо бўлган. Кишидаги индивидуал онг меҳнат ва ижтимоий муносабатлар таъсирида ўзини англаш, ўзини назорат этиш, бошқариш жараёнида шакллана борган Шахс онгини ривожлантириш ва ривожлантиришда бошқа маънавий қадриятлар каби бадиий асарларнинг ҳам имкониятлари катта. Миллий турмуш тарзи, характер хусусиятларини ёритувчи асарлар қаҳрамонларнинг образлари, ҳаётий мақсадлари, ижтимоий борлиққа

бўлган муносабати ҳамда ўз-ўзини такомиллаштириш йўлида амалга оширадиган хатти-ҳаракатлари асосида шахсий фаолиятини таҳлил қилади, ўзлигини баҳолайди.

Ҳар бир элат, миллат ва халққа тааллуқли бўлган миллий тарбия негизида ментал хусусиятларни тарбиялашга оид ғоялар ётади. Миллий менталитетга хос хусусиятлар муайян элат, миллат, халқнинг маънавий ва моддий қадриятлари: оила, фарзандлар тарбияси, касбий фаолият, фуқаролик, диний мансублик ҳамда ижтимоий муносабатларни ташкил этиш, шунингдек, инсоннинг табиат билан уйғунлиги, жамиятни англаши, ҳаётини интилишлари, орзу-умидлари борасидаги асрий ёндашув, қарашларда намоён бўлади. Шахснинг миллий менталитетига у яшаётган муҳитнинг географик жойлашуви, иқлими, яшаш шароити ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Асрлар давомида ўзбек халқи ҳам турли тарихий жараёнларда гарчи душманга қарши мардонавор кураш олиб борилган бўлса-да, маълум муддат қарамлик, мустамлақада ҳаёт кечиришга мажбур бўлган. Ана шу даврларда халқнинг миллий турмуш тарзи, менталитет хусусиятларида маълум ўзгаришлар кузатилган. Бироқ, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзбек халқининг ўзигагина хос хусусиятлари сақланиб қолган. Бу ўринда сиёсатшунослар М.Бекмуродов ҳамда А.Бегматовларнинг қуйидаги хулосаларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: ўзбек халқи таназзул ва мустамлақа даврларидан ўзининг этник яхлитлигини сақлаган ҳолда чиқа билди. Ўзбек халқи маънавиятининг ёрқин ифодаси бўлган урф-одатлар, анъаналар, расм-русумлар, маросим ва маъракалар тизими сақланиб қолинди. Ўтмиш маданиятининг ўлмас обидалари, буюк мутафаккирларимиз қаламига мансуб бебаҳо асарларнинг катта қисми, ваҳшийларча талон-тарожларга қарамай турли тадбирларни қўллаш орқали асраб-авайланди ва авлодларга етказилди. Тил бирлиги ва тозаллигини узоқ йиллар давомида махсус ўтказилган таъсир ва тазйиқларга қарамай сақлашга эришилди

Муаллифларнинг фикрларига кўра, мустамлақа, мустабид тузумлар даврида ҳам миллий ўзлик ва миллий менталитет хусусиятларининг сақлаб қолинишида қуйидаги омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этди: ўзбек халқи тарихий-маданий илдизларининг теранлиги ва сертомирлиги, бой маънавий мероснинг мавжудлиги; ўзбек халқининг асосан ўтроқ ҳаёт кечириб келганлиги, ўтроқ ҳаёт эса турғун мазмундаги урф-одатларни тақозо этиши, аҳолининг ижтимоий-маънавий мўлжалларида шаҳар руҳи, маънавиятининг анъанавий устувор мавқе касб этиб келганлиги; ўзбек халқининг ўз миллий маданияти, тили, санъати, адабиётига муҳаббати, урф-одатлар, расм-русумлар, анъана ва маросимларга содиқлиги, халқ одатларига миллатнинг маънавий қиёфаси сифатида эъзозлаб ёндоша билганлиги; Ислом дини билан халқ анъанавий маданиятининг уйғунлашуви, таъқибдаги дин билан мазлум бўлган халқнинг озодлик учун курашида эътиқодий бирлик ҳолати таркиб топганлиги ва мустаҳкам амал қилиб келганлиги; ўзбек халқининг чидамлилиги, чексиз-чегарасиз сабр-бардоши, бағри кенглиги, ғанимларни беихтиёр қуроллансизлантиришга қодир соф диллиги, самимияти, меҳрибонлиги, ёрдам ва ҳамиша ҳамкорликка шай қалби ва ҳоказо омиллар миллий маънавий, этник ҳамда ижтимоий-сиёсий воқелик сифатида сақлана билганлиги ва яшовчанлигига имкон берди

Шахс томонидан содир этилувчи хатти-ҳаракатлар ўз моҳиятига кўра ихтиёрий ва ихтиёрсиз равишда содир этилади. Гўдакларнинг фаоллиги ихтиёрсиз содир этиладиган ҳаракатларда кўринади. Ижтимоий жиҳатдан шаклланган шахс характерида эса ихтиёрий, яъни онгли ҳаракатлардан ташкил топадиган хусусиятларнинг намоён бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, айнан мана шу талаб ва шахснинг бу талабни қай даражада қондира олиши унинг ижтимоий ҳаётга нечоғли мослашганлигини кўрсатади. [3,89]

Шу ўринда айтиб ўтиш лозим, шахс тараққиётининг барча босқичларида ихтиёрий ва ихтиёрсиз хатти-ҳаракатлар маълум даражада бир-бири билан боғлиқ ҳолда кўзга ташланади. Ихтиёрсиз фаоллик ихтиёрий, яъни характер хусусияти даражасида шаклланган ҳаракатларнинг ривожланишига таъсир қилади. Бу таъсир натижасида ихтиёрий ҳаракатлар фаоллашади ёки сустлашади.

Психологик нуқтаи назардан ихтиёрий фаоллик иродавий фаоллик сифатида талқин этилади. Шахс онгининг ривожланиб бориши, у томонидан маънавий кадрятлар моҳиятини англаниши ҳамда маънавий эҳтиёжларни қондиришга уриниш ҳолатининг содир этилиши туфайли маънавий-ахлоқий қарашлар ҳам турғунлашади. Шахс характерида турғунлашган маънавий-ахлоқий қарашлар таъсирида маънавий-ахлоқий хусусиятлар тарбияланади.

“Характернинг таркиб топишида кишининг теварак-атрофидаги муҳитга ва ўз-ўзига, бошқа кишига қандай муносабатда бўлиши муҳим ҳисобланади. Шунга кўра, юқорида санаб ўтилган шахсда миллий характер хусусиятлари муайян вазиятларда намоён бўлади. Жумладан, жамоага ва айрим одамларга бўлган муносабатларни ифодаловчи характер хусусиятлари: яхшилик, меҳрибонлик, талабчанлик, такаббурлик ва бошқалар; меҳнатга бўлган муносабатни ифодаловчи характер хусусиятлари: меҳнатсеварлик, виждонлилик, ишга масъулият билан қараш, бошлаган ишни охирига етказиш, ялқовлик, масъулиятсизлик кабилар; нарсаларга бўлган муносабатларни ифодаловчи характер хусусиятлари: озодалик ёки ифлослик, нарсаларни аяб ишлатиш ёки аямаслик, уларга нисбатан эҳтиёткорлик ёки аксинча кабилар; одамнинг ўз-ўзига бўлган муносабатларини ифодаловчи характер хусусиятлари: иззат-нафслилик, ўз шаънини эҳтиёт қилиш, камтарлик, ўзига ортиқча баҳо бермаслик ёки шуҳратпарастлик, мағрурлик, димоғдорлик, ўзини катта тутиш кабилар. Шундай қилиб, шахсда у мансуб бўлган миллатга хос характер хусусиятларининг ривожланишида мавжуд ижтимоий турмуш тарзи, иқтисодий ва маданий ривожланиш муҳим ўрин тутди. Бир халқ (миллат)нинг иккинчи халқ (миллат) устига бостириб бориши ва ўз ҳукмронлигини ўрнатиши ушбу ҳудудда янги бошқарув усулини жорий қилиш, аввалгисидан тубдан фарқ қилувчи ижтимоий муносабатларни қарор топтириши учун шароит яратади. Ўзбек халқи тарихида ҳам унга нисбатан олиб борилган босқинчилик, мустамлакачилик ҳаракатлари миллий турмуш тарзи, мавжуд ижтимоий муносабатларнинг ўзгаришига олиб келган. Шу билан бирга ўзбек халқида миллий характерга хос бўлмаган хусусиятларнинг ривожланишини таъминлади. Ўзбек халқида мустамлака, босқинчилик сиёсатининг таъсирида шаклланган ва унинг миллий табиатига ёт бўлган характер хусусиятларини аниқлаш уларни бартараф этишда тўғри йўлни белгилаш имкониятини яратади. Ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини

ривожлантиришда уларнинг миллий характерга ёт хусусиятларга эга бўлишларининг олдини олишга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М. Мирзиёев Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Т. Ўзбекистон 2017.-488 б
2. Туленов Ж., Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 253 б.
3. Туленов Ж., Юсупов К., Ғофуров З. Истиқлол ва тараққиёт мафқураси: мақсад ва йўналишлар. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 48 б.
4. Odilboyevich, J. X. (2023). SOCIAL PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF CHANGES IN BEHAVIOR AND DISORDERS IN CHARACTER OF A TEENAGER AND A TEENAGER. *PSIXOLOGIYA VA SOTSIOLOGIYA ILMIIY JURNALI*, 1(1), 53-61.
5. Odilboyevich, J. X. (2024). Yuridik Faoliyatda Psixologik Ta'sir Etish Va Jinoyatchi Shaxsning Psixologik Xususiyatlarini Aniqlash. *Journal of Research in Innovative Teaching and Inclusive Learning*, 2(2), 7-10.
6. Жураев, Х. О. (2023). В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ПРЕДПОЧТЕНИЙ ПСИХОГЕОМЕТРИЧЕСКИХ ФОРМ ХАРАКТЕРА ЛИЧНОСТИ С. ТИПОЛОГИЯ ДЕЛЛИНДЖЕРА. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(15), 601-603.
7. Рустамджон Огли, Т. М. (2023). Психологические особенности проявления эмоционального интеллекта у подростков. *Американский журнал языка, грамотности и обучения в STEM-образовании* (2993-2769), 1(9), 63-66